

# ADOLAT

O'zbekiston  
«Adolat» sotsial-  
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 42 (1002) • 2014-yil, 17-oktabr, juma

## Ғамхўрликдан миннатдормиз

### ➤ Муносабат

Кўп йиллар илгари шаклланган одатимга кўра, ҳар оқшом Ўзбекистон телевидениесининг “Ахборот” дастурини томоша қиламан. Дунё янгиликлари билан танишаман, мамлакатимизда рўй бераётган воқеалардан хабардор бўламан. Душанба куни Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон қабул қилганлигини эшитдим бошим осмонга етди.

3 ➤



## Танлаш ва сайлаш масъулияти

### ➤ “Адолат”нинг адолатли аёллари

Сиёсий-ҳуқуқий билимга эга, жамиятнинг ижтимоий фаол аъзоси бўлган аёллар мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг таянчи. Ўзбекистонда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлган, улар тўғрисида ўз эркин фикрини айта оладиган аёллар фарзандларига ва оиласига тўғри йўл кўрсата олади.

Шу мақсадда Ўзбекистон “Адолат” СДП аёллар фаоллигини оширишга бағишланган тадбирлар таъсирчанлиги ва изчиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Хусусан, партия Дастури ва Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, сайловолди тарғиботини самарали ташкил этиш ва сайлов жараёнларида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида партиянинг Қўқон шаҳар кенгаши «Фаол аёллар – жамиятни ҳаракатлантирувчи куч» мавзусида шаҳардаги БПТларда хотин-қизлар учун семинарлар ташкил этмоқда.

4 ➤

## Масъулият ва ташаббус сиёсий мақсадларни рўёбга чиқариш гарови

5


## Энергия тежамкор бинолар ёрқин келажак демакдир

6

## Социал-демократик ғоялар ижтимоий адолатга асосланган жамият қуришга хизмат қилади

7

Сайловлар – демократия кўзгуси. Унинг демократик қадриятларга ҳамоҳанг тарзда, очиқ, адолатли ва ошкора ўтиши шубҳасиз, сайловчилар фаоллиги билан белгиланади. Бу эса кўп жиҳатдан сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларига боғлиқ. Маълумки, Ўзбекистон ёшлар мамлақати. Шундай экан, партияимизнинг эртанги сайловдаги муваффақияти кўпроқ ана шу ёшлар қўлида. Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими ташаббуси билан ташкил этилган “Биринчи маротаба сайловда қатнашаман” лойиҳаси ҳам ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади.



## Биринчи маротаба сайловда қатнашаман

2 ➤

## Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг XXIII боб, 117-моддасидан.

## Партияга фидойилик – юртга фидойилик

### ➤ Сафдошларимиз

— Партия менга нима берди, деб эмас, балки мен партияга нима бердим, деган туйғу билан яшаб, ишлаш, сиёсий куч нуфузини оширишга ҳисса қўшиш, сиёсий жараёнларда фаол бўлиш ва албатта “Адолат” СДПга наф келтириш ҳар бир партия аъзосининг муқаддас бурчига айланиши керак.

“Ўзкимёсаноат” ДАК Резинотехника маҳсулотлари қурилиш дирекцияси директори, Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси Шухратжон Аминов бежиз бундай фикрга келгани йўқ. Қарашлари ва мақсад-муддаоларига мос келган бу партия Шухратжонга катта мактаб бўлди. Яқин ўн ойдан буён сиёсий куч сафида бўлиб, “Адолат” СДПнинг ғояларини чуқур ҳис этган маслакдошимиз партиявий ишларда ҳам фидойилик зарурлигини англаб етди.



2 ➤

## «Адолат»ни танланг, адашмайсиз!

### ➤ Эътироф

Аёл борки, олам мунаввар. Бежиз аёлни гулга ўхшатишмайди. У гулдек нафис ва нозик хилқат соҳибаси. Айни пайтда улар сабртоқат, матонат, ирода ва шижоат бобида мустақкам куч-қувватга эгаллиги бўйича билагни кучга тўла, навқирон эригингилардан сира қолишмайди. Шу боис орамизда маънан кучли, ўзининг мустақкам фуқаролик позициясига эга, маҳалла, жамиятда ўзига хос ҳурмат-эҳтиромга эга опа-сингилларимиз кўп.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоларидан бири сифатида партия томонидан ўтказилган кўлаб тадбир, давра суҳбатларида иштирок этар эканман, сафимизда ана шундай — билимли, салоҳиятли, оқила аёлларнинг кўпчилигини кўриб, очиги ҳавасим келади. Уларнинг амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятидан, қонунчиликдан хабардорлиги мени мамнун этади, шу билан бирга, ўз соҳаларининг ривожига оид амалий таклиф ва тавсияларини диққат билан тинглайман, таҳлил қиламан. Шундай пайтларда ўз сафида бу қадар шижоатли, сергайрат, меҳнатсевар ва фидойи аёлларни бирлаштира олган партияимизга ҳурматим янада ошади. Айниқса, уларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини такомиллаштириш бўйича илгари сураётган амалий таклифлари ўз фарзанди, миллат келажакига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон учун муҳим, деб ўйлайман.

“Адолат” газетасида мунтазам ёритилаётган мақолалар билан танишиш асосида эса орамизда илгор фикрлайдиган, узоқни кўра оладиган партиядошлар кўп эканига яна бир бор амин бўламан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларда партияимиз номзодларига муваффақият тилайман.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА



# Биринчи маротаба сайловда қатнашаман



эса, ўз навбатида, ҳар бир ёшга, шу жумладан, менга ҳам катта масъулият юклайди.

**Феруза САРИМСАКОВА,**  
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси:

— Бу сайловлар мамлакатимизнинг тақдирига, касбу қоримиз, ёшимиздан қатъий назар, ҳар биримизга дахлдор масала. Шундай экан, юртимизнинг бугуни ва эртанги куни билан боғлиқ масала ҳал бўладиган сайловларда ҳар бир фуқаро фаоллик ҳамда масъулият билан иштирок этиши зарур. Бу жараёнда албатта ўз фикримиз, мустақил фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Мен куни кеча "Адолат" партиясига аъзо бўлдим. Бу бежиз эмас, албатта. Партиянинг ёшларга оид позицияси, инновацион гоялари ва фан тараққиётига оид қарашлари менга маъқул келди. Энди партия аъзоси сифатида биринчи марта сайловда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритганимдан бахтиёрман.

**Масвур ШУҚРУЛЛАЕВ,**  
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси:

— Бугунги тадбир орқали жаҳон стандартларига тўла мос келадиган, халқаро сайлов принципларига жавоб берадиган сайловларга халқнинг хоҳиш-иродасини рўйбга чиқара олишига амин бўлдим. Мамлакатимизда бу борада қабул қилинган қонунлар, жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида"ги қонунлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган стандартларга тўла жавоб беради.

Сайловлар фуқаролардан сиёсий фаоллиқни талаб қиладиган асосий жараён ҳисобланади. Эртага қандай қонунлар қабул қилиниши, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати қанчалик даражада қатъ-

ият билан олиб борилиши бу бевосита биз қандай кишиларни депутат этиб сайлашимизга боғлиқ. Демак, менинг овозим мамлакатимнинг эртанги куни қандай бўлишини ҳал этади.

**Ойбек ҒАЙРАТОВ,**  
Тошкент кимё-технология институтининг неорганика факультети талабаси:

— Тадбирда "Адолат"чиларнинг амалий фаолияти, қонунчиликка ва ижро ҳокимиятига вараётган ташаббус ва тақлифлари ҳақида батафсил билиб олдик. Бу каби тадбирлар, давра суҳбатлари бўлажак сайловда ўзимизга мос мақсадларни илгари сураётган партияни танлашимизга ёрдам беради. Партия томонидан ўтказилган викторина саволлари ва уларнинг жавоблари эса биз ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган фикрданман.

**Рустам ТҮЙЧИЕВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси:

— Бугун ўз билими ва маҳорати билан юрак чўққиларни заёт этаётган ёшлар билан суҳбат қуриб, уларнинг аксарияти кўпчиликка ўрнак бўлиб келадиган ёшлар эканлигини ҳис қилдим. Уларда қатъий бор, салоҳият бор, улар улкан мақсадлар билан маррани баланд олаётган ёшлар вакиллари-дир. Керак бўлса, тенгдошлари уларнинг фаолиятига қараб қадм ташлайди. Мен бу ёшлар келажакда партияимизнинг муносиб фаоллари бўлиб етишишига ишонаман.

Авалло ҳар бир сиёсий партия ўз гояларини ҳимоя қилиб, сайловларда кўпроқ овоз тўплашга ҳаракат қилади. Сайловлар юртимиз тинчлиги, ижтимоий-иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Бунда мамлакатимиз ёшлари ҳам ўзларининг фуқаролик позицияларини фаол намойён этиши зарур, деб ҳисоблайман.

**Саодат СОДИҚОВА, Феруз ЖҲҲРАЕВ**  
«Adolat» муҳбирлари

Давоми. Бошқ. 1-бетда

Шу кунларда мазкур лойиҳа асосида республикамизнинг барча ҳудудларидаги олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида давра суҳбати, семинар ва ўқувлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар шу кунгача Тошкент шаҳри, Сирдарё, Бухоро, Наманган, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. Қуйида партия фаоллари ва бир гуруҳ талаба-ёшларнинг сайлов ва унинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлари билан танишасиз.

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаолигини ошириш бўлими мудири:

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жамиятдаги ўрнини оширишга, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилашга ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири. Ҳар томонлама баркамол авлод сифатида шаклланиб бораётган бугунги ёшларимизга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар ҳақида маълумот бериш ҳамда уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимияти ва қонунчилик органларини шакллантиришдаги иштирокини кучайтиришга кўмаклашиш партияимизнинг Сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жойларда бевосита ёшлар билан очик мулоқотлар ўтказиш, жумладан, уларни сайловга оид қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор қилиб бориш муҳим сиёсий жараёнлар олдидан долзарб вазифа саналади.

Катта ҳаёт оstonасига қадам қўйган кўплаб ёшлар бу йил сайловда илк бор иштирок этади, ўзлари муносиб топган номзодларни давлат ҳокимиятининг вакил-

лик органларига сайлаб, уларга ишонч билдиради. Шунинг учун мамлакатимизда шаклланган демократик принципларга асосланган сайлов тизими, бу борадаги қонунчилик ҳақида уларни хабардор этишга қарор қилдик. Зеро, Президентимиз томонидан тақлиф этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қатор қонунлар сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тарғибот-ташвиқот акцияси доирасида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини синовдан ўтказиш ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга оид дахлдорлигини сингдириш мақсадида партиянинг Марказий аппарати Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаолигини ошириш бўлими ташаббуси билан сайловга оид қонунчилик, шунингдек, Бош Комиссияда белгиланган ҳуқуқий-меъёрларга оид викторина саволлари тайёрланди. Викторинада фаол иштирок этган талаба-ёшлар эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

**Лязоқатой БАХТИЕРОВА,**  
Тошкент кимё-технология институтининг менежмент ва касб таълими факультети талабаси:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига бўлиб ўтаётган сайловларда илк бора иштирок этаман. Сайлов жараёнлари ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсам-да, сайлаш ва сайланиш тартиби, сайлов ҳуқуқлари, сайлов қонунчилиги ҳақида чуқур билимимиз керак. "Адолат" социал-демократик партиясининг фаол аъзолари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати давомида мен бу ҳақда кўп нарсани тушуниб етдим. Қолаверса, мен овоз берадиган номзод эртага мамлакат ривожига, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган шахс бўлиши кераклигини англадим. Бу

Давоми. Бошқ. 1-бетда

ганлиги шарофатидандир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода қиладиган ёшларнинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши мустаҳкам белгилаб қўйилган. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини тубора кўпайтириш бормоқда. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш билан бирга уларнинг марказида ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаётгани. Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг кўпгина долзарб масалаларини ҳал этишда партиянинг фаол иштироки кўзга ташланмоқда.

Сафдошимиз алоҳида таъкидлаганидек, буларнинг барчаси албатта, сиёсий партияларнинг эркин фаолият юртиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратил-

тирокини кенгайтиришга қолмай партиялараро рақобат муҳитини янада кучайтиришга ҳам асос яратди. Адолатни ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантирган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишга қўшни илгари суриб келмоқда. Адолатлилик гоёси, барчаннинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш "Адолат" партиясидан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишига айланиб бормоқда.

Партия сафида бўлиш учун уни обдон ўрганиб, фаолиятини кузатган, дастурий гоялари билан яқиндан танишган сафдошимиз Шухратжон Аминовга "Адолат" СДПнинг Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодий ташкил этиш бо-

расидаги режалари айниқса маъқул бўлди. Ахир бу долзарб вазифа мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини тўлиқ рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий таркибий қайта қуриш, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш яхши самара беради. Зеро, иқтисодий партиянинг Сайловолди дастурида кўрсатиб ўтилганидек, энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илм-фан инновацион фикрлашнинг тарбияладиган таълим тизими тизими тизими даркор. Бу борада "Миллий инновация тизими"ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партияимиз ҳам шундай салоҳият соҳиби. У яратувчанлик ва изланувчанликка қизиқади. Тошкент кимё-технология институтининг 1991 йили муваффақиятли тугаллаган Шухратжон илмий излашчилар олиб борди. 1997 йили "Оксид металлларни активатор сифатида

композицион элосомер материалларда қўллаш" мавзусида номзодлик ишини ёқлади. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар Олмалиқ қонметаллургия комбинатида чиқарилган қиқинди маҳсулотга айлантириш имконини берди. Янгилик эвазига корхонада катта фойда олиниб, чиқтириш маҳсулот тайёрлаш йўлига қўйилди. Ёш олим эндиликда резинотехника маҳсулотларининг турларини кўпайтириш устида иш олиб бормоқда.

— Партиянинг инновацион гоялари менга рағбат бағишлайди, — дейди Шухратжон Аминов. — Мамлакатимиз улкан ер ости, ер усти табиий бойлиқларига эга. Улардан самарали фойдаланиш, янгиликларни қўллаш, фан-техника тараққиётини юқори босқичга кўтариш, юртимиз салоҳиятини ошириш учун айнан мана шундай ҳаётий гоялар, ёндашлар, излашчилар керак. Юртимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган «Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркаси янги-дан-янги лойиҳа ва кашфиёт-

ларнинг ўзига хос кўригига айланмоқда. Янги иқтидор эгаларини кашф этипти. Янгилик ижодкорлари орасида партияимиз аъзоларининг ҳам борлиги бизни қувонтиради.

Сафдошимиз бошқараётган дирекция мамлакатимиз иқтисодий юзага келган янги жамоаларнинг бири. У Ангрэн эркин иқтисодий зонасида ташкил этиладиган янги корхона барпо этишга йўналтирилган. Маълумки, Юртбошимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларга қанот бағишлади. Қарор доирасида Ангрэн резинотехника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги заводни ишга тушириш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Хитойдаги "Поли технологич" компанияси мутахассислари иштирокида барпо этиладиган мазкур корхона қурилишига 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллигида киришиш ва уни 2017 йили тўла қувват билан ишга тушириш мўлжалланмоқда. Келгусида бу ерда йи-

лига ўртача 217 миллион АҚШ доллари миқдорига резинотехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ички бозорни қоплаш, шу турдаги маҳсулотларнинг четдан олиб келинишига чек қўйиш кўзда тутиляпти. Яъни, бир йилда 3 миллион дона автомобиль шинаси, 200 минг дона қишлоқ хўжалик техникалари шинаси ва ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиладиган 100 минг погон-метр конвейр ленталари ўзимизда, ўзимизнинг юртимизда тайёрланадиган бўлади. Унга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлик қўйилади. Юртбошимизнинг мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришга бўлган алоҳида эътибори ва республикамизда юзага келган қўлай инвестиция муҳити бунга тўла шароит ва имконият яратмоқда. Инвестиция дастурини амалга оширишда партияимизнинг ҳам фаоллиги кўрсатилмоқда. Зеро, партияга фидойилик, бу аввало юртга фидойиликдир.

Ғузэл АҲМАДАЛИЕВА

# Ғамхўрликдан миннатдормиз

Тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига 1941-45 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларининг соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўлганликлари аниқ муддаодир. Йўлланмалар қиймати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилангани биз каби фахрийларга кўрсатилган чексиз ғамхўрлик намунасидадир. Янгиллики бир қатор тенгдошларимга дарҳол маълум қилдим.

Ўзаро фикр алмашар эканмиз, ҳаммамизнинг фикримиз бир жойдан чиқди. Бу ҳужжат тинчлик ва осойишталик йўлидаги курашларда қатнашган, шунингдек, меҳнат фронтда жонбоzul кўрсатган инсонларнинг жасоратини эъзозлаш руҳи билан суғорилганлигига имон келтирдик. Яна бир бор Ўртбошимизнинг халқ ва ҳақ йўлида фидокорлик кўрсатган кишиларга чуқур ҳурмат билан қарашларига ишонч ҳосил қилдик ва бундан чексиз қувондик.

Ҳозир ёшим тўксонга яқинлашди. Буни айтишдан мурод шуки, ҳаётда кўп нарсаларни кўрдим. Бизнинг авлод зиммасига тушган қийинчиликларни ҳозир ҳам яхши эслаймиз. Ушанда ҳеч кимга осон бўлмаган. Уруш бошлангандан сўнг мактабда ўқиш билан бирга далада ҳам ишлашга тўғри келди. Ўн саккиз ёшга кирганимда, яъни 1944 йилда фронтга отландим. Иккинчи жаҳон уруши тугагунга қадар сапёр сифатида ҳаракатдаги ҳарбий қисмда бўлдим. Ғалабадан сўнг уйга қайтган эса транспорт ташкилотларида, сув ҳўжалиги тизимида, жамоа ҳўжалигида узок йиллар меҳнат қилдим.

Собиқ тузум давридаги ҳолатларни кўп эслаймиз. Халқимизнинг истиқлол учун жонини тиккан ва қурбон бўлган аjoyиб фарзандларини ҳам тез-тез ёдга оламиз. Яхшиямки, мустақиллик тўғрисидаги орзу-умидлар рўёбга чиқди. Мана шу дорилон кунларни кўриш менга ҳам насиб этганидан бахтиёрман.

Истиқлол даврида чиндан ҳам мамлакатимизда ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан, мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бергани қувончлидир. Кексаларнинг ҳурмати жойига қўйилаётгани, ёшларга ўқиш-ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилгани диққатга сазовордир. Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш халқимиз учун аjoyиб анъанага айланганини айтмайсизми...

Шунинг учун ёшлар билан уршувларда уруш ва меҳнат фахрийси сифатида мустақил Ватанини янада обод қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ҳар бир киши астойдил ишлаши лозимлигини уқтираман. Энг муҳими, барча бу фикрларни тўғри қабул қилганидан ва озод юрт равнақи йўлида бор билимлари ва куч-гайратларини сарфлашга тайёр эканлигини изҳор этганидан хурсанд бўламиз.

**Тўланбой ТҮЙЧИБОВ,**  
Уруш ва меҳнат фахрийси,  
Пол тумани

# Сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли демократик жамиятни барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш» кўшма лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати ушбу мавзуга бағишланди.

Тадбир журналистларнинг сайлов кампаниясини ёритиш бўйича билимини ошириш, фуқароларга сайлов жараёни тўғрисида кенг қамровли ахборот етказиш борасидаги вазифаларини тушунириш, сайлов олди ташвиқотининг замонавий технологиялари, принцип ва нормаларини ўрганишга қаратилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда сайловларни очиклик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида бой тажриба тўплагани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигидан кўзланган асосий мақсад сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, уларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, онли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат экани қайд этилди.

— Мамлакатимиз қонунчилигида сайлов кампанияси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалидаги қонун ҳужжатлари мониторинг институтининг бўлим бошлиғи Раҳимжон Ҳакимов. — Бугун журналистлар учун сайловчиларга сайлов қонунчилиги қоидаларини кенг тушунириш, миллий сайлов қонунчилигимизни янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш,

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида хабардор этиш бўйича самарали ахборот ишларини ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар моҳияти ва аҳамияти тўғрисида фикр алмашди. Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар таллов эркинлиги принципини тўлиқ таъминлаш, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шарт-шароит яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан парламент қўйи палатаси депутатлари сайловининг очиклиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳақида ҳам сўз юритилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари, партиялараро рақобатни ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришда электротат иштирокини кенгайтириш омили сифатида ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
ЎЗА мухбири



# Сайловнинг биринчи иштирокчилари

## Ижтимоий ролик

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши томонидан ёшларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирокини таъминлашни тарғиб қилувчи "Биринчи маротаба сайловда қатнашаман" мавзусида ижтимоий ролик суратга олинди.

**Бунёд АҲМАДАНИЕВ,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП  
Фарғона вилояти кенгаши депу-

татлар билан ишлаш бўйича му-  
тахассиси, ролик муаллифи:  
— Ёшлар ўз нигоҳида Ўзбе-

кистон "Адолат" СДПни қандай партия сифатида идрок қилишлари бизлар учун жуда муҳим. 1992-1996 йилларда туғилган ёшларимиз бу галги сайловда илк бор иштирок этишади. Уларда "Қайси сиёсий партияга овоз берсам экан?" деган фикр туғилиши табиий, албатта. Улар ўз саволларига турли хил учрашувлардан, шунингдек, кутубхоналардан, матбуот, интернет ижтимоий тармоқларидан, радио эшиттиришлар ва телевидение орқали эфирга узатилаётган кўрсатувлардан жавоб олишади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши Ёшлар бўлими томонидан "Биринчи маротаба сайловда қатнашаман" мавзусида суратга олинган ижтимоий ролик партия гоғларини тарғиб этишда қўл келади. Ижтимоий ролик иштирокчиларини аниқлаш жараёнида янги қиёфалар, жамоат ишларида фаол, истеъдодли ва албатта, бу йилги сайловларда биринчи маротаба иштирок этадиган ёшлар жалб қилинди. Ижтимоий роликда турли соҳаларда фаолият юритаётган, сайловда илк маротаба иштирок эта-

ётган ёшларнинг сайловларда фаол иштироки, ушбу муҳим сиёсий жараёнга масъулият билан ёндашуви, дахлдорлиги ва гуруҳ ҳисси жўш ураётганлиги акс эттирилган.

Ишончимизки, ушбу ижтимоий ролик ёшларимизнинг сайловларга шахсий дахлдорлигини, ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга, энг муҳими Ўзбекистон "Адолат" СДП тарафдорларини кўпайтиришга, номзодларимизнинг сайловдаги муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

**Комила ИСРОИЛОВА**

# САЙЛОВ. НОМЗОД. ТАРҒИБОТ

## Сайлов — 2014

Бу гоғ Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши ижроия кўмитасининг сентябрь ойида ўтказилган мажлисида юзага келганди. Ушанда бўлғуси сайловларга тайёргарлик асосида номзодларнинг тайёргарлик даражасини ошириш, қолаверса, маҳаллий партия ташкилотларининг етакчиларига кампанияни олиб бориш юзасидан назарий билимларни кўпроқ бериш кераклиги тўғрисида фикр билдирилганди. Чунки бугунги кунга келиб, шаҳар ва туман кенгашлари раисларининг аксарияти амалда сайлов синовларини бошларидан ўтказмаганлиги сир эмас. Партияимизнинг Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида ҳам наманганлик "адолот"чиларнинг тақлифи маъқулланди.

## Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари Исроил Жўраев:

— Мен семинар тугаши билан бир қатор касбдошларимиз билан гаплашдим. Энг муҳими, улар худди шундай тадбирларни ҳар бир туманда БПТ раислари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар билан ҳам ўтказиш кераклигини таъкидлашди. Шунда янада кўпроқ сафдошларимиз тарғибот-ташвиқот ишларининг моҳияти ҳақида кенг тушунага эга бўладилар. Бусиз сайлов кампаниясини муваффақиятли олиб бориш мушкуллиги барчага аён.

## "Адолат" СДП Ўйчи туман кенгаши раиси ўринбосари Мухаммадал Қамбаров:

— Сайловолди кампаниясида тарғибот-ташвиқотнинг аҳамияти беқийс. Уни оқилона ва маҳорат билан йўлга қўймай туриб, қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Лекин шу ўринда кўп нарса номзоднинг ўзига ҳам боғлиқлигини унутмаслик лозим. Биз салоҳиятли, кўпчиликка ўзининг эзгу ишлари билан танилган кишиларни депутатликка кўрсатсак, тарғибот таъсирчанлиги ва самарасини таъминлашда қийналмаймиз. Шунинг учун сараланган номзодларни яна бир бор кўриқдан ўтказишни режалаштирдик. Номзодларни қайси сайлов округидан кўрсатиш масаласини ҳам атрофлича ўйлаб кўриб, ҳал қилишимиз зарур.

## "Адолат" СДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Рустам Икромов:

— Кейинги пайтда ўтказилган таҳлиллар сайловчилар нафақат номзоднинг шахси, балки уни тавсия қилган сиёсий партиянинг дастури, олиб бораётган ишларига қараб қарор қабул қилишга мойиллик билдираётганларини қайд этмоқдалар. Демак, буни биз ҳам ҳисобга олишимиз талаб қилинади. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари мана шу масалага йўналтириб, уларнинг тайёргарлик даражасини оширишимиз даркор.

Қисқаси, семинар барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдириб, уларга ўз иш режаларини янада такомиллаштириш учун туртки бўлди.

**Ўз мухбири**



# Тошкент метрополитени — Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида энг яхшилардан бири

Пойтахтимизда МДХ мамлакатлари метрополитенлари, ушбу транспорт тури учун вагон, турли эҳтиёт қисм ва ускуналар ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналарини бирлаштирган «Метро» халқаро ассоциацияси кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда МДХ мамлакатлари метрополитенлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, «Тошшаҳартранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Содиқов метронинг замонавий мегаполисларда энг қулай, ишончли йўловчи ташиш воситаси сифатида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Мустақиллик йилларида хавфсиз, қулай ва юксак хизмат кўрсатиш маданияти намунасига айланган Тошкент метрополитени «Метро» халқаро ассоциациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ташкилот фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда.

Тадбирда айни пайтда МДХ мамлакатлари метрополитенлари кунига 16 миллионга яқин йўловчи ташиётгани, бу борадаги йиллик кўрсаткич эса қарийб 5 миллиард нафарни ташкил қилаётгани таъкидланди.

«Метро» халқаро ассоциацияси бош директори И.Ермоленковнинг сўзларига қўра, барча метрополитенлар ҳаракат хавфсизлиги, юзага келадиган носозликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам маълумот алмашиб туради. Ассоциация аъзолари янги техник ишланма ва замонавий техно-

логиялар билан таништириб борилади. Шу билан бирга, илгор тажрибалар янада оммалаштирилиб, ҳар томонлама ўрганилмоқда. Мажлисида МДХ маконида энг яхши метрополитенлардан бири бўлган Тошкент метрополитени эришаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, Тошкент йўловчи вагонлари куриш ва таъмирлаш заводида метро вагонларини капитал таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари амалга оширилиши туфайли уларнинг хизмат кўрсатиш муддати 15 йилга етказилди. Пойтахт метрополитени эса тез орада ташқи ва ички дизайни яхшиланган, қулай ва юқори хавфсизлик тизимига эга янги вагонлар билан таъминланади.

Тадбир доирасида иштирокчилар Тошкент йўловчи вагонлари куриш ва таъмирлаш заводи фаолияти билан ҳам танишади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
ЎЗА мухбири



# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Масъулият ва ташаббус

### Хисобот-сайлов конференциялари

Сиёсий фаолият самарадорлигини аниқлаш, партиянинг жамият ҳаётидаги ўрни-иштирокини ҳар томонлама таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқариш ва электорат манфаатларига хизмат қиладиган янги вазифаларни белгилашда ҳисобот-сайлов конференциялари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлажак сайловлар арафасида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мамлакатимиз вилоятларидаги партия кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтаётганлиги ва бу анжуманларда партиядошларимиз билдираётган фикр-мулоҳазалар сиёсий фаолиятга янада жўшқинлик бағишлаб, асосий мақсад сари қатъий ҳаракат қилишга ундамоқда.

Самарқанд вилоят партия кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси ҳам айна шу талаб, мақсадларни ифода этгани ва соғлом, танқидий фикрлар асосида сиёсий фаолиятни кучайтиришга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқ бўлди. Вилоят, шаҳар ва туманлар партия кенгашлари раислари, БПТ вакиллари, партиянинг маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этган анжуманда "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси М.Бобоёров партиянинг "Адолат ҳаётимизнинг бош мезони" деб номланган сайлов-олди дастури ижросини таъминлашдаги фаолияти хусусида ҳисобот берди.

Таъкидлангани, партия кенгаши Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириб, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳал этишда тобора фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида янги, даромадли иш ўринларини яратиш, транспорт, коммунал хизматларни такомиллаштириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш сингари аниқ вазифалар партия фаолиятида асосий ўринни эгалламоқда. Қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка эришиш имконини берадиган интенсив технологияларни жорий этиш, оилавий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш орқали ҳар бир оиланинг даромадларини сезиларли даражада кўпайтириш ҳам партия кенгашининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Далилларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи тақлифи билан сессияда қабул қилинган қарор вилоятнинг Пастдарғом ва Нуробод туманлари чегарасида қувайти 100 МВт бўлган янги қуёш фотозлектрстанцияси қурилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоятнинг Самарқанд, Жомбой, Булунғур, Нуробод туманлари худудларида 1600 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб сугоришга асосланган интенсив боғ барпо этилгани ва бу тажриба бугунги кунда ҳам барча фермер хўжаликлари ўртасида кенг тарғиб этилаётгани партия гоҳларининг ислохотлар жараёнида ўз ўрнини топиб бораётганидан далолатдир.

Вилоят партия кенгаши ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлашда, бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотлари иштирокини кучайтиришга, уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Шу мақсадда жойларда ташкил этилган 385 та БПТ билан мунтазам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг аҳоли турмуши билан боғлиқ долзарб ижтимоий масалаларни Кенгаш сессиялари, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқишга ва электорат фойдасига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинаётгани ҳам эътиборга молик. Хусусан,

## сиёсий мақсадларни рўёбга чиқариш гарови



шу йилнинг август ойида "Адолат" СДПнинг вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи тақлифи асосида вилоятда пластик карточкалар ва терминаллардан фойдаланишни тартибга солиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишни назорат қилишни кучайтириш бўйича сессия қарори қабул қилинди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бораборида вилоят иқтисодиёти молиявий соғломлаштиришга қаратилган мазкур қарорни электорат даставвал партия ютуғи сифатида баҳоламоқда.

Партиянинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шўхрат Жамоловнинг айтишича, партия кенгаши, унинг депутатлари жойларда аҳоли билан ижтимоий масалаларга оид мулоқотлар ўтказиш ва бу жараёнда аниқланган муаммоларни кун тартибига олиб чиқиш, ижронга назорат қилишда ваколатлардан унумли фойдаланилмоқда. Ҳисобот йилининг ўтган тўққиз ойи давомида фуқаролар билан 135 та ана шундай учрашув ва тadbирлар ўтказилгани, уларда 13 мингдан ортиқ киши иштирок этгани сиёсий фаолият қамрови кенгайиб бораётганлиги

ни кўрсатмоқда. Бироқ партия кенгашининг Сайловолди дастурини бажариш орқали электорат ишончини қозонишга бўлган интилиши сиёсий ташкилотнинг барча куйи бўғинларида яққол тобларни амалга оширишни назорат қилишни кучайтириш бўйича сессия қарори қабул қилинди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бораборида вилоят иқтисодиёти молиявий соғломлаштиришга қаратилган мазкур қарорни электорат даставвал партия ютуғи сифатида баҳоламоқда.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, партиядошимиз, Пахтачи туманидаги кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Дўстмурод Абдуллаевнинг партиявий фаолиятга электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш масаласидаги фикрлари кўпчилида кизиқиш уйғотди ва ибратли хулосалар чиқаришга ундади, десак янглимаймиз.

— Мен "Адолат" СДПни аниқ, амалий ишларга қодир партия сифатида танганим учун унинг гоҳларини амалга оширишга бел боғланган, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони.

— Одамлар биздан турмушдаги муаммоларга қандайдерамай қатъият ва талабчанлик билан ишлашни, соғлом фикр-мулоҳазаларни, Ватан ва жамият манфаатларини ҳар дақиқа кадрлашни ўрганиб яшашсин. Шундагина касбу коримизда унум, рўзгоримизда барака, оиламизда фаровонлик бўлади.

Партиядошларимизнинг ана шундай самимий фикр, истаклари остида ўтган конференцияда вилоят партия кенгашининг фаолиятини янада кучайтириш, депутатлик гуруҳлари, БПТлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, электорат муносабатларига ўз вақтида жавоб қайтариш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференцияда вилоят партия кенгашининг янги таркибини сайлаш билан боғлиқ ташкилий масала кўриб чиқилди. Делегатлар М.Бобоёровни вилоят партия кенгаши раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

### Зоҳир Тўрақулов

«Адолат» мухбири, Суратда: партиядошимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Д.Абдуллаев конференция иштирокчилари билан.

## Ўзбекистон "Адолат" СДП хабарлари

### Бухорода маънавият сабоқлари

Ўзбекистон "Адолат" СДП Вобкент туман кенгаши ташаббуси билан "Биз буюк аждодларга муносиб ворисмиз!" шиори остида ёшлар билан мулоқот ташкил этилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация ривожидан тугган ўрни ва роли тўғрисида ёшларимизга батафсил маълумот беришга қаратилди.

Таъкидланганидек, истиқлол туфайли аждодларимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Халқимиз тараққиётнинг "Ўзбек модели" асосида барча жабҳаларда асрларга татигулик ютуқларга эришди. Ортимида ёшларга муносиб келажак таъминлайдиган қулайликлар, уларнинг чуқур билим олиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Мулоқотда Президентимизнинг жорий йил май ойида дунёнинг кўплаб мамлакатлари олимлари иштирокида Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти" мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро анжумандаги маърузасига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП ёшларга келажакда жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қараб, йиғит-қизларни ягона зғу мақсад йўлида тарбиялаш гоҳларини илгари сураётганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига, лидер сифатида тарбияланишига партия томонидан доимий равишда эътибор қаратилиб келинаётгани, уларни аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашга аҳамият берилганлиги эътироф этилди.

Қизгин ва жонли мулоқотларга бой ўтган тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга партия фаоллари ва мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Тадбир сўнггида партия аъзолари сағига қабул қилинган ўн нафар педагоглардан иборат янги бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ

## Соғлом бола — юрт келажаги

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар ва Олмазор туман кенгашлари ташаббуси билан "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасида "Соғлом бола — юрт келажаги" мавзусида хайрия тадбири ўтказилди.

Иштирокчилар республикамизда ёш авлодга қаратаётган эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун яратилган шароитлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритишди. Оилаларда соғлом мухитни шакллантириш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани айна пайтда ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, имконияти чекланган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ташкил этилган мазкур хайрия тадбири ҳам ёш авлодга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Кобур ОТАМУРОВОВ

# Боғотда қуйи ташкилотлар фаоллашди

### БПТ — партия таянчи

Партиянинг ўз электорати билан алоқаларини ривожлантириши бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, айниқса, сиёсий ўқувларни бошланғич ташкилотларда кўпроқ ўтказишга, шу орқали нафақат аъзолар, балки аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаёпти.

Боғотлик партиядошларимиз ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Партиянинг Боғот туман кенгаши яқин пайтларга энг қоқоқ ташкилотлардан бири саналарди. Жорий йилнинг бошида кенгаш раислигига Қ.Раҳимов сайланганидан кейин фаоллик бирмунча ошди.

— Бугун туманда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 700 нафардан зиёд аъзолари 6 та қуйи ташкилотга бирлашган. — дейди Қ.Раҳимов. — 2014 йил партия тизимида "Бошланғич партия ташкилотлари йили" деб белгилангани фаолияти-

мизда туб бурилиш ясади. Ҳафтанинг ҳар душанба кунини бошланғич ташкилотлар етакчилари ва аъзолари учун давра суҳбатлари, сиёсий ўқув ҳамда семинар-тренинглари, йиғилишлар ўтказилади. Бу тадбирларга жиддий тайёргарлик кўриб, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатларини, экспертларни тақлиф этиб, илгор тажриба ва теҳнологиялардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилганлиги алоҳида эътиборга молик. Аъзоларнинг катта қисми жамланган Боғот туман тиббиёт бирлашмаси ва ип йиғирув



корхонасидаги қуйи бўғинлар фаолияти қайта тикланди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, етакчиларнинг тажриба ва сиёсий билимларини ошириб бориш устувор вазифалардан биридир. Жорий йилнинг тўққиз ойида туман миқёсида 30 га яқин сиёсий ўқув ва семинар ўтказилиб, уларда жами 800 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Уқувларда партияимиз электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган 10

га яқин тақлиф билдирилди.

Биз туман партия кенгаши ва депутатларнинг бошланғич ташкилотлар билан тизимли асосда ишлашни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратдик. Чунки туман кенгаши бошланғич ташкилотни ўз ҳолига ташлаб қўйса, аввало электорат билан алоқалар узилиб қолади, қуйи бўғин фаолияти сусайиб кетади. Бошланғич ташкилот қўллаб-қувватланса, унинг фаолияти кучаяди, аҳолини ўйлантираётган маса-

ларни ўрганишда фаол иштирок этади, муаммолар ечим юзасидан ҳаётини тақлифлар билдирилади. Бу эса партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай савй-ҳаракатлар натижасида Боғот туманидаги бошланғич партия ташкилотлари сони яна биттага кўпайди. Жорий йилнинг август ойида 7 нафар партиядош билан "Хитой" кишлоғи фуқаролар йиғини қошида тузилган бошланғич партия ташкилотининг аъзолари сафи айна пайтда 26 нафарга етди. Маҳалланинг жонқуярлари бўлган таълим, тиббиёт ходимлари, иқтидорли ёшлар, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вакиллари бирлашган БПТ аъзолари янги ташаббуслар кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

— Фаолларнинг доим халқ ичиде эканлиги, муаммоларни бартараф этишга қаратилган интилишлари, худуддаги кам таъминланган оилаларга кўмаклашиб келаётгани партия аъзолари ва тарафдорлари сафининг ўсишига замин яратмоқда, — дейди "Хитой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуфбой Матназаров. — Кўпчилики мамнун этган бир

мисолни келтирай. Яқинда маҳалла партия электорати тақлифларини инобатга олган ҳолда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш аҳоли ўрганилди. Аниқланган камчиликлар партия депутатлик гуруҳига юборилди. Туман мутасаддиларига юборилган сўров асосида муаммолар бартараф этилди.

— Ўтган қисқа муддат мобайнида аъзоларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилди, — дейди БПТ етакчиси Дилбарой Абдуллаева. — Айниқса, «Демократик ислохотларнинг янги босқичида партия ташкилотларининг иштироки», «Сиз сайловга тайёرمىсиз?», «Эрта турмушга чиқилишнинг зарарли оқибатлари», «Маҳалла — фахрим» мавзуларидаги давра суҳбатлари кўпчилида катта қизиқиш уйғотди. Бундай тадбирлар партияимиз аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга замин яратяпти. Яқинда партияимизни сайловда қўллаб-қувватлайдиган сайловчилар имзоларини йиғиш жараёнида ҳам БПТ аъзолари фаоллик кўрсатдилар ва белгиланган режани бириктириб қатори бажаришга эришдилар.

1 октябрь — "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини" муносабати билан ташаббускор, ташкилотчи сафдошимиз Дилбарой Абдуллаевага "Халқ таълими аълочиси" кўрак нишонининг берилиши ана шу меҳнатларнинг самараси десак, муболага бўлмайди.

— Менинг арзимас меҳнатимга берилган эътибор зиммамга яна катта масъулият юклайди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ислохотларга мададор бўлишда, партияимизнинг дастур ва вазифаларини омма орасида тарғиб қилиш ва уни амалга оширишда доимо фаол бўлишга чорлайди, — дейди Д.Абдуллаева.

Мухтасар айтганда, бошланғич ташкилот партиянинг эртанги кунини белгилаб беради. Шундай экан, партияимиз тизимида уларнинг фаолиятига эътиборни янада кучайтириш, илгор тажрибаларни оммалаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.


Замира АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари

# Энергия тежамкор бинолар ёрқин келажак демакдир

## ➤ Инновация

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш аҳолининг яшаш тарзи, турмуш шароитига ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг турар-жой иморатлари сифати, функционалликка бўлган талаби ҳам ўзгариб бормоқда. Эндиликда юртошларимиз бугун кураётган иморати кўп авлодларга бекаму кўст хизмат қилишини ўйлаб, сифатига, замонавийлигига алоҳида эътибор қаратишарми.

Айни пайтда биноларни лаёқатли ва салоҳиятли мутахассис ёрдамида лойиҳалаштириш, қурилишнинг инновацион технологияси ва махсулотларидан фойдаланиш орқали энергия тежайдиган иморатлар барпо этиш мумкинлиги ҳақида, афсуски, ҳали кўп маълумотга эга эмасмиз. Шу боис, юртимизда энергосамардор биноларни барпо этиш, унинг ўзига хос жиҳатлари, аҳамияти тўғрисида фикр алмашиш мақсадида Тошкент архитектура қурилиш институти доценти Рустам Кўчқоров билан сўхбат қурдик.



Қолаверса, сўнги 3-4 йил ичида "Қурилиш иссиқлик техникаси", "Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари", "Иситиш, вентиляция ва кондициялаш" "Том ва том қопламалари", "Жамоат бинолари ва иншоотлари", "Маъмурий бинолар" каби шахарсозлик нормалари ва қоидалари янгидан ишлаб чиқилиб, Давлат архитектура қурилиш қўмитаси томонидан амалга киритилди.

— Янгилашган шахарсозлик нормаларида энергия самардорлигини назарда тутувчи қандай концептуал ўзгаришлар мавжуд?

— Маълумки, амалдаги нормаларга мувофиқ, куз мавсумида кунлик ўртача ҳарорат 10 градусдан пасайганда иситиш мавсуми бошланиши ва баҳорда кунлик ўртача ҳарорат 10 градусдан ошганда эса иситиш мавсуми тугаллини белгиланган. Мазкур кўрсаткич нукта назардан қаралганда, Сурхондарё вилоятида иситиш мавсуми 112 кунни, Қорақалпоғистонда эса ундан 1,5 ой ортқ бўлиб, 162 кунни ташкил этиши, яъни ташқи ҳавонинг иситиш мавсуми давомидаги ўртача ҳарорати Қорақалпоғистонда Сурхондарёга нисбатан анча пастлигини англатади.

Янги норма ва қоидаларга қадар биноларнинг ташқи деворларига фақат битта материал, аксарият ҳолларда гишт ишлатилиб, унинг қалинлигини тўла массага совуқ ҳаводан ҳимояланиб иссиқ ҳолатда бўлади ва иситиш тизими вақтинча ишламаганда хона бирданги совуқ кетмайди. Яъни ички микроклимнинг инерционлиги ошади. Иккинчидан, девордан конденсат (сув бугларнинг сув томчилари айланмиши) содир бўлмайди. Агар иссиқлик ҳимоя материали деворнинг ички томонидан қўйилса, аввало деворнинг тўла массаси совуққа жойлашади ва иситиш тизими вақтинча тўхтаганда хона ҳам тезда совуқ қолади. Шу билан бир қаторда, иссиқлик ҳимоя қатлами билан девор чегарасида катта ҳарорат фарқи юзга келгани сабабли унда конденсат содир бўлади, девор намланиб унинг юк кўтариш ва бошқа барча хусусиятлари бузилади.

Умуман олганда, бинодо энергияни тежаш мазкур иншоотни тўғри лойиҳалашдан бошланади. Яъни унинг лойиҳаси яратилганда унинг қанча энергияни талаб қилиши олдиндан маълум бўлиши керак. Айрим мутахассисларнинг ҳисобига кўра, Ўзбекистонда мамлакат энергия истеъмолининг деярли ярми ёки йилига 17 миллион нефть эквиваленти биноларга тўғри келади. Демак, тажрибали лойиҳаловчи хонанинг ҳар бир элементи қайси бир маънода энергия, иссиқлик қуввати тежашига хизмат қилишини назарда тутиши, бинонинг турли жойларида ва унинг атрофида қанча ёруғлик кераклигини аниқлай олиши лозим. Яъни у иссиқликни тежаш мақсадида девордан ташқари хона ҳарорати тушишининг олдин олишга ёрдам берувчи деворларни қўшимча изоляция қилади. Сабаби, иссиқлик йўқотишлар деворлар орқали ҳам бўлиши исботланган. Шу боис хонадондаги иссиқликни сақлашда айналдири орасидаги, яъни ишончли иссиқлик изоляцияга эга стеклопакетларнинг ҳам аҳамияти катта.

Бу эса бинонинг энергия самардорлигини ошириш комплекс ёндашишни талаб этувчи жараён эканлигини, бунда махсус технологияларга қатъий амал қилиниши лозимлигини англатади.

— Мухтасар қилиб айтганда, жaxon тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиб келаятган юртимизнинг биноларига, уни қурадиган мутахассисларига, инновацион қурилиш махсулотларига бўлган талаб ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб бораётган бўлиши керакми?

Мухтасар қилиб айтганда, жaxon тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиб келаятган юртимизнинг биноларига, уни қурадиган мутахассисларига, инновацион қурилиш махсулотларига бўлган талаб ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб бораётган бўлиши керакми, деган саволга жавоб қилиш керак. Бу эҳтиёткорлик билан айтиш мумкин, бунда махсус технологияларга қатъий амал қилиниши лозимлигини англатади. Мухтасар қилиб айтганда, жaxon тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиб келаятган юртимизнинг биноларига, уни қурадиган мутахассисларига, инновацион қурилиш махсулотларига бўлган талаб ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб бораётган бўлиши керакми, деган саволга жавоб қилиш керак. Бу эҳтиёткорлик билан айтиш мумкин, бунда махсус технологияларга қатъий амал қилиниши лозимлигини англатади.

Мухтасар қилиб айтганда, жaxon тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиб келаятган юртимизнинг биноларига, уни қурадиган мутахассисларига, инновацион қурилиш махсулотларига бўлган талаб ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб бораётган бўлиши керакми, деган саволга жавоб қилиш керак. Бу эҳтиёткорлик билан айтиш мумкин, бунда махсус технологияларга қатъий амал қилиниши лозимлигини англатади.

Мухтасар қилиб айтганда, жaxon тамаддунида ўз ўрнига эга бўлиб келаятган юртимизнинг биноларига, уни қурадиган мутахассисларига, инновацион қурилиш махсулотларига бўлган талаб ҳам замон билан ҳамнафас тарзда ўзгариб бораётган бўлиши керакми, деган саволга жавоб қилиш керак. Бу эҳтиёткорлик билан айтиш мумкин, бунда махсус технологияларга қатъий амал қилиниши лозимлигини англатади.

— Сўнги пайтларда ўтказилаётган иқтисослашган кўрсаткичларда, давра сўхбатларида биноларнинг энергия самардорлиги тушунчаси тез-тез тилга олинаяпти. Ай-тингчи, биноларнинг энергия самардорлиги ва унинг аҳамияти деганда нимани тушунишимиз керак?

— Энергия самардорлик деганда аввало, бино ёки ишлаб чиқаришда технологик жараён учун белгиланган энергия истеъмолининг нисбатан кам миқдорда сарфланиши тушунилади. Энергиятежамкорлик — энергия истеъмолини камайтиришга йўналтирилган бўлса, энергиясамардорлик ундан фарқли ўлароқ энергиянинг самарали сарфланишини англатади.

Энергиясамардорлик ва энергиятежамкорлик ёрдамида аҳолининг коммунал сарф-харажатлари қисқаришига, мамлакат миқёсида эса санаят ишлаб чиқариш унумдорлиги ва рақобатдорлигининг ошишига, атроф-муҳитга ажралиб чиқадиган зарарли газлар миқдорининг чекланиши, энергетик компаниялар учун ёқилғи харажатларининг камайтишига эришиш мумкин.

Маълумки, Ер юзида аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодий тараққиёт энергетик ресурслар истеъмоли ортишига, уларга бўлган талаб ҳамда нарх-навоининг ошишига олиб келмоқда. Шу билан бир вақтда, бундай ҳолат Ер умумий озон қатламнинг емирилиши, атмосферанинг кислотали қўлдиқлардан ифлосланиши, биосфера барча қатламларида иккиламчи кимёвий реакциялар рўй бериши оқибатида захарли моддалар пайдо бўлаётгани, океанлар, қуруқликдаги сув ҳавзалари сиртлари ва ер ости сувлари ифлосланиши, глобал ва ҳудудий экологик мувозанатнинг бузилиши ва шу сингари глобал экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шундай экан, энергия тежамкорлиги ва самардорлигининг аҳамияти тора ортб бораверади.

— Бинолар энергия самардорлигини ошириш учун мамлакатимизда қандай меъёрини-ҳуқуқий, қонуний асослар яратилган?

— Ўзбекистон Республикасида ёқилғи энергетик ресурслар истеъмолини тартибга солиш ва бошқариш, аввало Конституциямизнинг барча табиий ресурслардан рационал фойдаланишни назарда тутувчи 55-моддаси ҳамда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тизимли равишда тартиб солинган.

Ушбу талаблар Ўзбекистон Республикасининг "Недрлар ҳақида" "Сув ва сувдан фойдаланиш" "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш" "Энергиядан рационал фойдаланиш", "Электр энергетикаси ҳақида", "Техник тартибга солиш ҳақида" каби қонунлари ҳамда Фуқаролик, Солиқ, Шахарсозлик кодексларида кенгроқ ёриб берилган. Масалан, "Энергиядан рационал фойдаланиш ҳақида"ги қонунда миллий энергетик ресурсларни сақлаш ва мавжуд ёқилғи энергиянинг ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий доиралари аниқлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1995 йил 26 майдаги "Уй-жой фондида ва ижтимоий-маданий мақсадлардаги объектларда сув ва газни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 1996 йил 1 январдан бошлаб янги қуриладиган уйлар ва ижтимоий-маданий объектлар, уларга сув ва газ ўлчашчилари қўйилганидан кейингина фойдаланишга топширилиши белгиланади қўйилиши замирида ҳам мамлакат миқёсида ичимлик суви ва табиий газни тежаб сарфлаш мақсади турибди.

Шахарсозлик кодексидида "Шахарсозлик меъёрлари ва қоидалари"га амал қилиш давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий эътиборга белгиланган. Мамлакатимизда биноларни лойиҳалаш ва қуришнинг барча қоидалари ва меъёрий талабларини ўзида акс эттирувчи "Шахарсозлик нормалари ва қоидалари"га ҳам энергия истеъмолига бевоқиф таъсир этадиган бир қатор меъёрлар мавжуд.

## Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-моддасидан.

## ➤ 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунни қабул қилинган кун

Бололикда Тошкент кўчаларининг номини ўқиганим ёдимда: "Тюменская", "Кисловодская", "Новомосковская", "1, 2, 3, 4, 5, 6, 7- Магнитогорская", "Пролетарская".

Мустақиллик шарофати билан жой номлари, кўча ва маҳаллалар мазкур географик жойнинг тарихи, унинг ўзига хослиги, миллий аниёна ва қадриятларимизга мос тарзда номлана бошланди.

## Давлат тилига ҳурмат — ҳар биримизнинг бурчимиз

Президентимиз раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, ибратли аниёна ва қадриятларимизни тиклаш, эъозлаш, она тилимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, унга давлат тили мақоми бериш борасидаги эзгу сазай-ҳаракатлар ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошланган Ўзбекистонимизнинг ўз мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки қадамлардан бўлгани кенг жамоатчилик томонидан кўп бор эътироф этилган.

Ҳар бир халқнинг маънавияти, ўзлиги, орзу-интилишлари унинг тилида аққол намоён бўлади. Истиқлол йилларида она тилимизга бўлган эътибор кучайди. Географик объектлар ўша ҳудуднинг ўтмиши, аниёлари, тарихий ўзига хослигига уйғун бўлган номлар билан атала бошланди. Маҳаллаларимизга тарихий атама-лар билан бирга миллий ҳаёт тарзимиз, эзгу интилишларимизга мос бўлган «Мустақиллик», «Истиқлол», «Ўзбекистон», «Аҳил», «Ибрат», «Оқибат», «Ватанпарвар» каби номлар берилгани халқимиз учун айни мудоа бўлди.

"Давлат тили ҳақида"ги қонунда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани мустақамлаб қўйилган. Унга кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, идора ва ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари, шунингдек, нотариял ҳаракатлар давлат тилида олиб боришмоқда. Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи, шахснинг ким эканини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар она тилимизда расмийлаштирилмоқда. Ватанимиз ҳудудида яшовчи шахсларнинг давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланган.

Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик анжуманлар, спорт мусобақаларида она тилимиз баралла янграмоқда. Бугун ўзбек тилидаги кўплаб сўзлар хорижийликлар тилида кенг фойдаланилмоқда. Чет давлатларда японча-ўзбекча, корейча-ўзбекча, туркча-ўзбекча, инглизча-ўзбекча, немисча-ўзбекча каби лугатлар нашр этилаётди. Ўзбек тили нафақат мамлакатимиздаги олий ўқув юрти-лари, балки чет давлатлардаги илмий марказлар, нуфузли уни-верситетларда қизиқиш билан ўрганилаётгани мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотлар, тараққиёт оқимлари, тинч-осойишта ҳаётимиз хорижийликлар томонидан эътироф этилаётгани ифо-дасидир. Она тилимизнинг илғор ахборот-коммуникация техно-логиялари, замонавий илм-фан йўналишлари, нанотехнология-лар, иқтисодий, банк-молия тизимида кенг ишлатилаётгани унинг имкониятлари нечоғли юқори эканидан далолатдир.

Қонунга мувофиқ давлат тилини ўрганиш учун барча фуқаро-ларга шарт-шароит ҳамда мамлакат ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъ-минланиб, бу тилларни ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбек тилининг фаол ривожланиши таъминланиб, унга халқ-аро миқёсда эътироф этилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий қилишга катта аҳамият қаратилмоқ-да. Бу ўринда "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросини таъмин-лашга қаратилган давлат дастури асосида яратилган беш жилд-ли "Ўзбек тилининг изоҳли лугати" муҳим қадам бўлди. Унда тилимиз сўз бойлигининг бугунги ҳолати ақс эттирилган. Али-шер Навоий номидаги Тил ва адабий институтда ушбу лугатни янада такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда. Институт илмий жамоаси, олимларимиз томонидан кирилл ва лотин алифбосларида тайёрланиб, нашр этилган "Ўзбек тилининг имло лугати" ҳам халқимизнинг тил маданияти ривожини учун хизмат қилиши шубҳасиз. Шу билан бирга, кўплаб таржима, эти-мологик, терминологик ва бошқа лугатлар тилимиз ривожини, нутқ маданиятининг тармоқига кўмаклашишга хизмат қилаётди.

Институтда олиб борилаётган барча илмий изланишлардан мақсад она тилимизнинг ривожига хизмат қилишдан иборатдир. Шундай йирик илмий лойиҳалардан бири ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик давридаги тараққиёт тамо-ийлигини ўрганишга бағишланган. Истиқлол йилларида тили-миз имкониятлари асосида бир қатор янги сўзлар пайдо бўлди, қанчадан-қанча эскирган деб ҳисобланган сўзлар истеъмолга олиб кирилди.

"Давлат тили ҳақида"ги қонунга кўра, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрликлар, йўриқномалар билан таъминланмоқда. Лаҳзалар, эълон, нархномалар, бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиб, эълон қилиниши ҳамда бош-қа тилларда таржимаси берилиши қонунга мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Бугун торабора обод бўлиб бораётган кўчаларимизда қонуннинг ушбу жиҳати қай тарзда таъминланаётгани ҳар қадамда сезилмоқ-да. Пойтахтимиз кўчалари, йўл ёқаларидаги баннерларнинг барча жабҳалардаги улкан марраларимизнинг, мамлакатимиз тараққиёт-нинг дадил оқимлари маъно-маъмунига уйғунлиги юртошларим-из қалбига кўтаринкилик бағишлаши билан бирга, шукроналик, эртани кунга ишонч тўйгуларини торабора мустақамламоқда.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи шохўчадаги эълон ва рекламалар, плакатлар давлат тили ва рус тилларида келтирилган. Шу билан бирга, «Двери», «Магазин и буфет», «Печати и штампы», «Срочное фото», «Цветная печать», «Распечатка», «Пригласительные», «Переплет», «Ламинирование», «Визитки» каби эълонлар давлат тилида ҳам ёзилса, айни му-дао бўлар эди. Хадра майдонидан метронинг Фафур Гулом но-мидаги бекатига томон юрсангиз «Аптека — три девятки, товары для здоровья, электронные тонометры, ингаляторы, детские при-надлежности, всё для красоты, целебные травы», «Учебный центр», «Подготовка абитуриентов», «Языковые курсы», «Бизнес курсы», «Дошкольное обучение» каби ёзувларни кўрсиз ва оз-гина ранжийсиз.

Давлат тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар бири-мизнинг бурчимиздир.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

## Тилла "багаж"

### ➤ Божхона бекати

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекс ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари би-лан ҳамкорликда тилла буюмларнинг ноқону-ний олиб ўтилиши билан боғлиқ бир нечта қонунбузарлик ҳолатларига нўқта қўйилди.

Жумладан, қўқонлик Гулноза-га (мақоладаги барча исм-ша-рифлар ўзгаририлган) тегиш-ли сумка божхона кўригидан ўтказилганда, унда божхона ба-ённомасида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида айтилмаган 75 гр. оғирликдаги тилла буюмлар яширилгани фош бўлди.

Юк сумкасига тилладан ясалган 152 гр. оғирликдаги заргарлик буюмларини яши-риб олган пойтахтлик Дилфу-зага ҳам божхона назоратидан "эсон-омон" ўтиб олиш насиб этмади. Назорат-рентген аппарати лентасидан ўтаётган йўл сум-каларидан бирининг экранда-

ги шубҳали тасвири ўз тасди-гини топди. Божхоначилар то-монидан самарқандлик Зу-лайҳога тегишли мазкур багаж кўздан кеңирилган-да, унга умумий оғирлиги 198 гр.ни ташкил қилувчи тилла тақинчоқлар яширил-гани аниқланди.


Божхона кўриги давомида бухгалтер Шаҳнозанинг қин-гир қилмишларига ҳам нўқта қўйилди. Унинг яширинча олиб ўтишга уринган заргар-лик буюмлари олиб қўйилган-дан сўнг сумкаси нақд 531 гр.га енгиллашди.

Мазкур божхона қоидабу-зарликларининг барчаси "Истанбул-Тошкент" рейси йўловчилари томонидан со-диққа олиб қилинган тилла буюмларига қўйилган, ҳозирда

ушбу ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари да-вом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, жисмо-ний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи со-линмайдиган товарларни олиб қилишнинг чекланган меъёрларига мувофиқ, жис-моний шахсларга мамлака-тимизга қираётганда акциз солиғини тўламасдан умум-ий оғирлиги 30 граммдан ошмайди, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган 5 та зар-гарлик буюмини олиб ки-ришга рухсат берилди.

Белгиланган меъёрдан ор-тиқча олиб қилинган тилла буюмлари учун эса ўрнатилган тартибда божхона тўловлари ундирилади.



"Тошкент-Аэро" ИБК ахборот хизмати



# Социал-демократик Ғоялар

## Ижтимоий адолатга асосланган жамият қуришга хизмат қилади

### “Адолат” шарҳи

Мамлакатимизда 2014 йилнинг 15 сентяб-дан парламент куйи палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам парламент сайловида иштирок этмоқда. Табиийки, бу жараёнда сайловчиларнинг партиямиз ғояларига қизиқиши кучайганини ҳисобга олган ҳолда, “социал-демократия” тушунчаси ҳақида яна бир мухтасар маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Социал-демократия — бугунги кунда бутун дунёда салмоқли таъсир кучига эга бўлган таракқийпарвар мафкуравий оқимлардан бири. Ижтимоий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли билан жамият ҳаёти фаровонлигини юксалтиришни кўзда ту-тувчи социал-демократик ҳаракат бир неча асрлик бой тарихга эга.

XVIII асрдан бошлаб Англияда саноатлашган жамият шакллана бошлади, аниқ фанлар билан бир қаторда иқтисодий фанлар ҳам ривожланди. Сиёсий жиҳатдан тарқок бўлишга қарамай, Германияда, айниқса, унинг таркибий қисми бўлган Пруссияда немис мумтоз фалсафаси шаклланди. Буюк француз инқилоби натижасида Францияда ҳам ижтимоий ғоялар ривож алоҳида аҳамият касб этди. Шу нуқтаи назардан, социал-демократик ғоялар илк бор Францияда пайдо бўлган ва шаклланган, десак муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, XIX асрнинг биринчи ярмида айнан француз мутафаккирлари Анри де Сен-Симон ва Шарль Ғурье ижтимоий адолатга асосланган жамиятни барпо этиш ғоялари билан чиқишди. Уларнинг фикрича, бундай жамият у ёки бу мамлакатда давлат томонидан олиб бориладиган изчил ислохотлар орқали барпо этилади. “Социал-демократия” ва “социализм” атамаларининг илк маротаба Францияда илмий муомалага киритилиши ҳам бежиз эмас.

Социал-демократик ғояларга асосланган партия 1848-1849 йилларда Франция пойтахти Париж шаҳрида “Янги тоғ” партияси номи остида таъсис этилди. Агар буюк француз инқилоби (1789-1794 йилларда) пайтида бу гуруҳ мамлакат парламентлари таркибига “Тоғ клуби” номи билан мажлисларда қатнашган бўлса, республика (1848-1851 йилларда) даврида “Янги тоғ” партияси ўз фракциясини ташкил этди. Айниқса, 1849 йили партия муваффақиятли қатнашиб, 200 нафарга яқин номзодлари депутатликка сайланди. Қонун чиқарувчи мажлис — парламентда партия фракциясининг раҳбари этиб таниқли давлат арбоби, муваққат ҳукуматнинг собиқ Ички ишлар вазири Александр Лебрю Роллен тайинланди.

“Янги тоғ” партияси дастурида ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, республика ғояларини кенг тарғиб этиш ҳамда барча учун 21 ёшдан бошлаб тенг ҳуқуқлилик асосида сайловларда фаол қатнашиш вазифалари акс эттирилди.

XIX аср ўрталаридан бошлаб “социал-демократия” атамаси кенг қўлланила бошланди. Ўтган юз йил давомида, яъни Франция II республикаси (1848-1851 йиллар) давридан то 1951 йилгача социал-демократия узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. 1951 йили Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида 34 та социалистик ва социал-демократик партия иштирокида таъсис Конгресси бўлиб ўтди ва унда халқро ноҳукумат ташкилот — Социалистик Интернационалга асос солинди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “социал-демократия” сўзи “социализм” атамасининг синоними сифатида талқин этилади ва кўпинча ушбу сўзлар бир-бирининг ўрнида қўлланилади. Бироқ собиқ шўролар тузуми шароитида “социализм” сўзининг манипуляция қилиниши натижасида ушбу сўз салбий маъно касб эта бошлади. Оқибатда собиқ социалистик мамлакатларда истиқомат қилувчи кишилар онгида ҳали-ҳануз социализмдан нафратланиш ҳисси сақланиб қолди.

Бугунги кунда 130 дан ортиқ давлатдан 160 га яқин партиялар Социалистик Интернационалга аъзо, мазкур партиялардан 110 га яқини халқ қилувчи овозга эга. Бундан ташқари, Социалистик Интернационал ишида, хусусан, унинг Конгрессларида 30 дан ортиқ партиялар қўшимча овоз билан ва яна 20 га яқин партия кузатувчи сифатида қатнашади. Халқро ташкилотнинг олий органи Конгресс. У уч йилда бир марта чақирилади. Конгресс оралағида ушбу халқро ташкилотга ўз ичидан сайланган Кенгаш раҳбарлик қилиб, йилда икки маротаба йиғилади. Социал-демократик партия 1951 йилда қабул қилинган. Мазкур ҳужжат “Демократик социализмнинг моҳияти нимада?” деб номланган. 1989 йилдаги Конгрессда бу ҳужжат “Стокгольм декларацияси принциплари” номи билан янгилади. “Замонавий социал-демократик ҳаракат, — дейилади 1951 йилда қабул қилин-



ган Социал-демократиясида, — бу дунё микёсидаги ҳаракатдан иборат бўлиб, унинг аъзоларидан бир хил ёки муштарак дунёқарашга эга бўлиш талаб этилмайди. Бу ҳаракат қатнашчиларининг мақсади битта, у ҳам бўлса ижтимоий адолатга асосланган жамият қуришдан иборат. Бундай жамиятда фаровонлик, эркинлик ҳукмрон бўлиб, жамият аъзолари бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун курашадилар.

Социал-демократик партиялар ўз атрофида маълум бир синф вакилларини эмас, балки турли табақаларни бирлаштирилади. Социал-демократик партияларнинг нуфузи ривожланган мамлакатларда жуда юқори бўлиб, уларнинг таркибида ишчи қатлами, муҳандис-техник ходимлар, эркин касб эгалари кўпчилиги ташкил этади. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, социал-демократик мафкура плюралистик дунёқарашни тақозо этади. Ўз навбатида, социал-демократия инқилобий курашлар ва инқилобий ларзаларни инкор қилмайди, уларга қарши курашади ҳам. Социал-демократлар демократик сайловлар ўтказиш учун курашадилар ва барча сайловларда фаол қатнашадилар. Жамиятнинг энг долзарб масалалари бўйича социал-демократлар ўзларининг чуқур илмий мулоҳазаларига эга бўлиб, бундай қарашлар кўйидаги атам ва шўроларга ўз аксини топган: “Ижтимоий ҳамкорлик”, “барча аҳоли фаровонлигини таъминловчи жамият”, “мутлақ кўпчилик манфаатларини ифода этувчи давлат”, “бошқарув соҳасида инқилоб”, “турли-туман мулк шакллари жамиятда муваффақиятли ишлатилиши”, “жамиятда мулкчиликнинг турли шакллари кўпайтириш” ва ҳоказо.

Замонавий социал-демократиянинг бош шiori — Эркинлик, Тенглик, Биродарлик бўлиб, у сиёсий ва мафкура-

вий плюрализмни қўллаб-қувватлайди. Социал-демократия ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори бўлиб, ўз фаолиятини бойлар ҳамда камбағаллар ўртасидаги фарқни ижтимоий ҳимоя орқали юмшатишга қаратади. Шунингдек, социал-демократлар иқтисодиётда салохиятли давлат секторини ташкил этиш, унинг хусусий сектор билан тенглик асосида муваффақиятли рақобат қилишни устувор йўналиш, деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлайдилар, яъни янги иш ўринларини яратиш, ишсизликни камайтириш, бепул таълим тизимини яратиш, энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш, болаларни тарбиялаш учун аёлларга давлат томонидан ёрдам уюштириш, солиқларни тартибга солиб бериш, атроф-муҳитни муҳофизат қилиш учун янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларига катта эътибор берадилар.

Бугунги кунга қадар халқро микёсда социал-демократлар бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматлари таркибига фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бундай мамлакатлардан Швеция, Финландия, Германия, Франция, Буюк Британия, Испания, Португалия, Австрия, Бельгия, Нидерландия, Норвегия ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Демак, дунё микёсида социал-демократик партияларнинг нуфузи ортиб бормоқда. Бинобарин, сўнгги пайтларда социал-демократик ҳаракат Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам бирмунча фаоллашди. Марказий Осиё минтақасининг дёрли барча мамлакатларида социал-демократик йўналишдаги сиёсий партиялар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси вакиллик демократиясининг ривожига ҳамда сиёсий партияларнинг, шу жумладан, социал-демократик партияларнинг ҳам олдидаги масъулия-

тини юксалтириш учун курашмоқдалар. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ўзбекистонда ҳам социал-демократик партиянинг келажаги пролоқ эканлигига амин бўлиш мумкин.

Мустиқлик йилларида мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келди. Жамиятнинг негизини ташкил этувчи иқтисодиёт соҳасида турли шаклдаги тенг ҳуқуқли мулкдорлар синфи шакллана бошлади, сиёсий соҳада бир қанча партиялар вужудга келди, ижтимоий соҳада бу партияларнинг тенг ҳуқуқлиги ва сайловлар асосида ўз вакилларини маҳаллий ҳамда марказий ҳокимият, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиши кенг йўлга қўйилди. Мафкура соҳасида ҳурфикрлик ва плюрализмга асосланган муҳит яратилди.


Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий саҳнасида фаолият кўрсатаётган партиялар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон либерал демократик партияси қатори “Адолат” социал-демократик партиясининг ҳам жамиятда ўз ўрни, ўз нуфузи бор.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг номи унинг стратегик мақсадига тўла мос келади. Партия фаолияти юртимиз равнақи ва унинг мустиқлигини мустаҳкамлашга, ислохотларни жалдлаштиришга, ҳуқуқий давлат қуриш ҳам чинакам адолатга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, “Адолат” социал-демократик партияси келажақда хориздаги социал-демократик партиялар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Қаҳрамон Қўлдошев

### Инновацион таёқчалар соғлигини ҳимоя қилади

Хитой олимлари овқат ейишда ишлатиладиган оддий таёқчаларни таомдаги зарарли моддаларни аниқлайдиган анализаторга айлантирдилар.



Маълумки, ҳар йили Хитой овқатланишда ишлатиш учун 80 миллиард жуфт бир марталик таёқчалар ишлаб чиқаради. Эни ярим сантиметр, узунлиги 20 сантиметр бўлган бунча миқдордаги таёқчалар билан, мисол учун, мамлакатдаги 440 минг кв.м. сатҳга эга машҳур Тяньанмэн майдонини 360 марта қоплаш мумкин.

Янги таёқчалар хўрандаларни заҳарланишдан сақлаши билан катта аҳамиятга эга. Тадқиқотчилар таёқчаларни таом солинган лycopчга солишнинг ўзи кифоя дейишмоқда: хўранда бу овқатни бемалол истеъмол қилиши мумкинлигини ёки чиқинди идишига тўқиб ташлаш кераклигини билади-қўяди. Таёқча-гаджет хўрандани ранглар ёрдамида оғохлантиради. Яъни, агар таомда зарарли моддалар мавжуд бўлса, таёқча қизил рангга ёниб-ўча бошлайди. Агар овқатда турли токсин ва бошқа зарарли унсурлар учрамаса, таёқча яшил ранг олади.

Учга махсус микрочиплар ўрнатилган таёқчалар жуда таълабчанлиги билан ажралиб туради. Мутахассислар ўз соғлигига эътиборли бўлган хўрандалар, албатта, бундай таёқчаларни сотиб олишларига ишонч билдиришмоқда.

### Компьютерга ружу қўйманг

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Европа Иттифоқи давлатларининг 16 ёшдан 74 ёшгача бўлган аҳолисининг 19 фоизи ҳеч қачон компьютердан фойдаланмаган.



Бу борада Руминия етакчилик қилмоқда: мамлакат аҳолисининг 51 фоизи аср мўъжасини умуман ишлатмайди. Италия, Болгариянинг шарқий ҳудудларида, шунингдек, Грециянинг айрим вилоятларида ҳам компьютердан жуда кам фойдаланишдади. Испания ва Польшада эса “компьютерлашмаган” алоҳида минтақалар мавжуд.

Дания, Швеция, Люксембург ҳамда Финландия ва Исландиянинг айрим туманларида ахвол бошқача: бу ҳудудларда компьютердан энг кўп фойдаланилади.

Эслатиб ўтамиз, яқинда давлатнинг интeтнет-фойдаланувчилари сони ўсишига доир жаҳон рейтингини эълон қилинди. Рўйхатнинг энг юқори бандларини Сингапур ва Швеция эгаллади.

### Телефон шифокорнинг ўрнини босади

Мутахассислар олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда Ер юзиде 246 миллион кишининг кўриш қобилияти паст. Уларнинг 90 фоизи қашшоқ мамлакатларда яшайди.



Smart Vision Labs компанияси айнан шундай одамлар учун мобил телефонлари тиббий кўмакчи бўлиши мумкинлигини исботлади. Яъни, озгина мукамаллаштириш орқали iPhone телефони инсоннинг кўриш қобилиятини аниқлайдиган қурилмага айлантирилди.

Дастлабки партияси Гаити ва Гватемалага юборилган бундай телефонлар ҳар бир мамлакатнинг юзлаб кўнгулчиларидагина бўлмайди. Бир неча сония ичида ўтказиладиган тест синовлари натижасида телефон миқоз учун зарур бўлган кўзойнақ рақамини тавсия этади.

Дастлабки натижаларга кўра, янги телефон кўнгулчиларга маъқул келган.

### “Made in... 3D”

Швецияда мусиқа асбобларининг барчаси 3D-принтерда чоп этилган гуруҳнинг биринчи концерти бўлиб ўтди.



Эҳтимол ҳозирча 3D-принтерларнинг ҳар бири оилада пайдо бўлиши тўғрисида гапиришга эртадир. Аммо бундай инновацион технологиялар асосида яратилаётган ускуналар қўлланилаётган соҳалар тобора кенгайиб бораётганини аниқ ҳақиқат.

Швецияда бўлиб ўтган концерт лойиҳасини ишлаб чиққан олим Лунд университети профессори Олаф Дигелдир. У ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб 3D-принтерлари йўналишида фаолият олиб бормоқда. Профессор излашларининг сўнгги икки йилини мусиқа асбоблари яратишга сарфлади. Натижада у бир неча гитара, барабан қурилмаси ва синтезатор ясашга муваффақ бўлди. Бундай мусиқа асбобларини университет талабалари чалишди.

Дигель 3D-принтер технологиялари мусиқа асбобларига ўзгача кўриниш ва сифат ато этганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дастлаб бу ғояга ишонқирамай қараган мусиқачилар ҳам асбоблар ўта тиниқ товуш чиқаришини эътироф этишган.

Эслатиб ўтамиз, кейинги йилларда 3D-принтер технологиясидан тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Мисол учун, жорий йил август ойининг охирида хитой жарроҳлари 12 ёшли ўсмирга мазкур технологияда тайёрланган умуртқа погонасини ўрнатдилар. Март ойда эса голландиялик шифокорлар бемор аёл бош суягининг бир қисmini 3D-принтерда чоп этилган шаффоф қалпоққа алмаштирган эдилар.

Интернет хабарлари асосида **Зилола Йўлдошева** тайёрлади.

### Сўранг, жавоб берамиз!

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари-та сайлов ўтказишнинг асосий принциплари қандай?

Ш.Маматова, Сайхунобод тумани

Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунини 1-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга ўтказилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари қачон тузилади?

Ш.Абдуллаев, Ховос тумани

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайловга камиде сақсон кун қолганида комиссиянинг раиси ва олти-ўн тўрт нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари Кенгашларига сайлов юзасидан навбатдаги сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинганга қадар амалга оширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилиш тартиби қандай?

Ш.Сарабекова, Сирғарё тумани

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошлангани депутатларнинг ваколат муддати туғанидан камиде уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Саволларга Гулистон шаҳар ФХДБ бўлими мудираси **Р.ЎРОЛОВА** жавоб берди.

Вақтинчалик рўйхатга олиш тартибини тушунтириб беринг?

М.Шерназаров, Бобўт тумани

Вақтинча қайд этиш, шахсининг ўзи белгиланган истиқомат жойида бўлиши даврида амалга оширилади. Вақтинча қайд этириш учун Ўзбекистон фуқаролари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: - турар-жойни сотиб олиш

ҳақида шартнома ёки тегишли органлар томонидан берилган ордер, 3-шакл бўйича ариза; - Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти; - туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома — 16 ёшга тўлмаган, ота-оналаридан (васийлар ва ҳомийлардан) алоҳида яшовчи шахслар учун; - давлат божи тўлангани тўғрисида квитанция. Доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилади.

Саволга Бобўт туман ДНИ нотариуси **Л.БОЛТАЕВ** жавоб берди.



# Сайёҳлик:

## Муносабат

Шу йил 2 октябр куни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқанд шаҳридаги "Форумлар мажмуаси"да бўлиб ўтгани, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов сессиянинг очилиши маросимида нутқ сўзлагани мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди дея айта оламиз. Сессия ишида ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатларнинг вакиллари, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, Миср, Туркия, Индонезия каби туризм соҳаси ривожланган, бу борада катта тажрибага эга бўлган мамлакатлар мутахассислари, халқаро сайёҳлик ташкилотлари раҳбарлари, соҳа экспертлари иштирок этдилар.



✦ Юртимиз катта тарихий-маданий меросга, яъни 7000 дан ортиқ тарихий-меъморий ва археологик обидаларга эга.

✦ Халқаро сайёҳлик ташкилотлари томонидан Самарқанд дунёдаги 50 та мафтункор шаҳарлар рўйхатига киритилган. Ўлкамиздаги 140 та тарихий обида ЮНЕСКО томонидан муҳофаза этиладиган ёдгорликлар сафидан жой олган.

✦ 2013 йил якунларига кўра, Ўзбекистонга 2 млн. 28 минг 620 нафар хорижлик ташриф буюрган (2012 йилда 1 946 607) бўлиб, бу ўтган йилга қараганда 82 минг нафардан ортиқдир.

ларни, урф-одатларни ўрганишган, тарғиб қилишган. Бугун Ўзбекистонга келган сайёҳ истиклолнинг дастлабки икки ўн йиллигида амалга оширилган мислсиз бунёдкорликни, бу ерда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари ўзаро аҳил-иноқ яшаётганлари, бутун мамлакат улкан қурилиш майдонига айлангани, халқимизнинг турмуш тарзида, шаҳарсозликда, қишлоқ қурилишида ўтмиш ва бугун, тарихийлик ва замонавийлик, улуг аждодлардан қолган маънавий мерос ва фан-техниканинг энг янги ютуқлари ўзаро уйғунлик касб этиб, Ўзбекистоннинг буюк келажиги сари дадил қадам ташланаётганига гувоҳ бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда халқаро туризмни янада ривожлантириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, янги йўналишлар очиш, сайёҳларга халқаро стандартларга мос даражада хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилади. Инсон табиати шундайки, у бир жойга бориб, саёҳатидан мамнун бўлса, сарф-харажати, кетган вақтига ачинмаса, шу жойга яна бир бор келишни, бу тўғрида бошқаларга гапириб беришни, уларни ўзига ҳамроҳ қилишни ўйлайди.

Самарқандда ўтказилган 99-сессия мамлакатимизнинг сайёҳлик ва туризм салоҳиятини янада оширишга, бу соҳани бутун чоралар билан ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

М.АХМЕДОВ

## Ватандир бу, Ватандир

Она юртим, гурурим,  
Қалбимдаги сурурим,  
Буюклардан буюгим —  
Ватандир бу, Ватандир.

Осмондаги қўшим,  
Қадим Самарқанд, Шошим,  
Сен билан мағрур бошим —  
Ватандир бу, Ватандир.

Мусаффодин ҳавоси,  
Кўкка етар навоси,  
Шодликка эш сабоси —  
Ватандир бу, Ватандир.

Эли меҳнаткаш чунон,  
Зафарлар ёрдин ҳар он,  
Жаннатмонанд бу макон —  
Ватандир бу, Ватандир...



## Навоний бобом

Шеърят мулкининг улуг султони,  
Тинмас ижод ила ўтган ҳар оми,  
Бизга мерос буюк "Хамса" достони,  
Менинг буюк бобом, Навоний бобом.

Ҳар битта сўзида бир олам маъно,  
Ҳар бир ғазалида жам бўлган дунё,  
Бунчалар буюк ва бунчалар доно —  
Менинг буюк бобом, Навоний бобом.

Сиз бизнинг фахримиз, бизнинг бахтимиз,  
Шеърят мулкида абид тахтингиз,  
Бизнинг қалбимизда собит аҳдимиз —  
Менинг буюк бобом, Навоний бобом.



ШОАБДИЕВА  
Мадина  
Шавкат қизи,  
Мирзо Улутбек  
туманидаги  
Информатика  
касб-ҳунар  
коллежи ўқувчиси

# Ёш қутқарувчилар беллашуви

## 2014 йил — Соғлом бола йили

Ўзбекистон жангчи-фахрийлари (байналмилалчилар) бирлашмаси Республика тезкор ҳаракат хизмати (РТХХ) ташкилоти билан ҳамкорликда "Ёш қутқарувчи — 2014" спорт мусобақаларини ташкил этди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП, "Қамолот" ЕИХ, "Ватанпарвар" МКТ ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган спорт мусобақаларида нодавлат таълим муассасалари ҳарбий-спорт гуруҳлари вакиллари ҳамда "Тошкент-SOS" меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари беллашишди.

«Соғлом бола йили»га бағишланган тадбирнинг асосий мақсади ёшларни руҳан ва жисмонан чиниктириш, фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракатланиш кўникмаларини ўргатиш, ёшлар ўртасида ватанпарварлик ишлари самарадорлигини ошириш, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб қилиш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини янада оммалаштиришдан иборат бўлди.

ни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизда махсус тизим яратилгани ва тезкор ҳаракат қилиш механизми ишлаб чиқилгани алоҳида таъкидланди.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун олдиндан турли хил тадбирлар ўтказиш фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамлар соғлигини сақлаш, аτροφ-муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талофатлар миқдорини камайтиришга хизмат қилади.

Иштирокчилар фуқароларни турли кўринишдаги фалокатлардан ҳимоя қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратдилар. Айниқса, ёшлар ўртасида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид кўникмаларни шакллантириш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Чунки фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш талофатларнинг олдини олишнинг ягона йўли ҳисобланади.

Спорт мусобақаларида махсус тайёргарлик кўрган ўқувчи-ёшлар ўт ўчириш, кутқаруш жойига тез етиб бориш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ярани боғлаш, жароҳатланганларни талофат қилмайдиганлиги чикиш ва оғзаки виқторина босқичлари бўйича беллашишди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар аҳоли ва худудлар-

Феруз ЖўРАЕВ

Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йили аъзо бўлган. Мана, ўн йилдирки, Самарқандда ушбу ташкилотнинг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият олиб бормоқда. Иқтисодиёт ва сервис институти, шу олийгоҳ қўшидаги академик лицейда талабалар халқаро сайёҳликка доир махсус билим олмақдалар. Тезюрар "Афросиёб" поездида меҳмонлар пойтахтдан Самарқандга икки соатда етиб келишмоқда. Бундай поездлар ҳаракатини Бухоро ва Қарши шаҳарларига ҳам давом эттириш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида салкам уч минг йиллик бой тарихга эга, Буюк ипак йўлида, турли маданиятлар чорраҳасида жойлашган, жаҳон цивилизациясининг бетакрор дурдонаси ҳисобланмиш Самарқанд ва бошқа тарихий шаҳарларимиз мисолида мам-

лакатимизда халқаро туризм ривожига алоҳида эътибор берилаётгани, бу борада эришилган ютуқлар, янги режалар тўғрисида сўзлар экан, Самарқанд ўзининг улугвор меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини ўзига қаратиб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мозийга назар ташласак, ўтмиш замонларда ҳам кўна Рим ва Бобилга тенгдош бўлган, ўрта асрлардаёқ илм-фан, маданият ва санъат ривожини билан йирик илмий-маърифий марказларга айланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларимизга қизиқиш кучли бўлган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан бу манзилларга илм олиш, хунармандчилик, савдо-сотик ва бошқа соҳалардаги тажрибаларни ўрганиш учун келишган. Бу шаҳарларда бўлиш, олис мо-

зийнинг руҳи ва нафасини эс-латиб турадиган қадимий ёдгорликларни кўриш ва завқланиш кўплар учун бир умрлик орзу бўлган. Сайёҳлик ўша даврларда ҳам турли мамлакатлар ўртасида манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилган, одамларни тинч-тотув яшашга, ўзаро борди-келди қилишга, бир-бирларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга чорлаган. Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида одамлар ҳаётига, тинчликка раҳна солинаётган, қуролли можаролар авж олаётган бир пайтда халқаро сайёҳликни янада ривожлантириш энг муҳим заруратлардан бирига айлиниб бормоқда.

Халқимизда "Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал", деган нақл бор. Ҳамма даврларда ҳам сайёҳлар маданият ва маърифат элчилари сифатида турли юртларда, турли эътиқод эгалари ҳаётида мавжуд ибратли иш-



## ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «Асака» банк

қўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги мuddатли омонат турларини таклиф этади:

**Миллий валютада:**

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой.  
Ҳисобланган фоишлар омонат очилганда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг тўланади.

**«ТЕЖАМКОР»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой.  
Ҳисобланган фоишлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга йўналтирилади.

**«СОҒЛОМ АВЛОД»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 24 ой.  
Ҳисобланган фоишлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг бериледи.

**«МУСТАҲКАМ ОИЛА»**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 18 ой.  
Ҳисобланган фоишлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг бериледи.

**Хорижий валютада:**

**«ШОДИЁНА» (АҚШ доллариди)**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 24 ой.  
Ҳисобланган фоишлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат мuddати тугагач бериледи.

**«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОДа)**  
Омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой.  
Ҳисобланган фоишлар омонат мuddати тугагандан сўнг бериледи.

Шу билан бирга иккида, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталарда 90 дан ортиқ турлаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автомобил филиали	371	120-39-95
Навоний вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68
Қашқадарь вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Сурхондарь вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарь вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-06
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларнинг фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз: солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк — сармомиянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.com

## Тошкент халқаро спорт турнири мезбони

Пойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди

Халқаро дзюдо федерацияси шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирда 42 давлатдан 280 нафардан ортиқ спортчи совинли ўринлар ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI Олимпия ўйинларига йўллан-

ма берувчи рейтинг очколари учун беллашмоқда.

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида 16 октябр куни нуфузли мусобақанинг очилиш маросими бўлди.

Байрамона безатилган спорт мажмуаси меҳмонлар, спортчи ва мураббийлар, мухлислар билан гавжум. Чорлов садолари остида майдонга халқаро турнир иштирокчилари — 42 мамлакат терма жамоалари кириб келди.



ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Директор ТОШМУҲАМЕДОВА, Нарингон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Маммазов ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Муҳаммад АДИ, Талхат МУРОДОВ, Тошпулат МАТИБАЕВ, Алишер МҮМИНОВ.

**Бosh муҳаррир вазири:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, ҳуқуқ ва халқаро бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

**Навбатчи муҳаррир —** Р.Аҳмадқалиев. **Навбатчи —** Ф.Ҳидиров.

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

ISSN 2071-5217

info@adolatgz.uz / adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1000. Адади — 5750

Босишга тошпириш вақти — 21.20 Босишга тошпириш — 22.00

1 2 3 5 6

Басма келтирилган нархда